

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

39-сон
(955)
2020 йил
5 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

432. «Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 28 сентябрдаги ЎРҚ-638-сон Қонуни
433. «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ-639-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

434. «Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон Фармони
435. «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони
436. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4844-сон қарори
437. «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги ПҚ-4845-сон қарори
438. «Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4846-сон қарори

Бешинчи бўлим

439. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/5-сон «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларининг тузилишига қўйиладиган техник талабларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-1*)
440. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 30 июндаги 01/11-16/06-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-5*)
441. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 22 сентябрдаги 43-сон, 2020-37-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга ўзгартириш-

лар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2188-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ**

432 Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 8 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **42-модданинг матнидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг» деган сўзлар «тегишинча Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **98-модданинг матнидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **103-модданинг биринчи хатбошисидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда** чиқариб ташлансин;

2) **291-модда биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги «131, 135 (ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари бундан мустасно), 135¹-моддаларида» деган сўзлар «131-моддасида, 135-моддасида (транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси, ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати ёнида мавжуд бўлмаганлиги ҳоллари бундан мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул

қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **63-модданинг учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса. Иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатдан қулайлиги (йўл қўйилиши мумкин бўлган узоқлиги) мазкур жойдаги жамоат транспорти тармоғининг ривожланганлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳудудий меҳнат органлари томонидан белгиланади»;

2) **80-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва турар жойидан маълумотномани» деган сўзлар «туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 353–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 3, 164-модда) **13-моддасининг матнидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти органлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 8, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **34-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Рес-

публикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **45-модданинг биринчи қисми:**

тўртинчи хатбошисидаги «ерлардаги дарахтлар ва буталарни кесиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжлари учун тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш учун» деган сўзлар «ерлардаги дарахтлар ва буталарни кесиш учун» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни чорвачилик эҳтиёжлари учун тайёрлаш ва чорва молларни ўтлатиш учун — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари томонидан берилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган 713-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда, № 11, 792-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **111-модда иккинчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) **117-модда иккинчи қисмининг:**

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Ўрмон тўғрисида**»ги 770-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРҚ-475-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 423-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда) **15-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 2 январда қабул қилинган «**Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида**»ги ЎРҚ-364-сонли Қону-

ни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 1-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда) **23-моддасининг иккинчи қисмидаги** «яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан олинган маълумотнома ва тавсифнома» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелда қабул қилинган **«Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–532-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 4, 198-модда) **18-моддасининг иккинчи қисмидаги** «фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 сентябрь,
ЎРҚ–638-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

433 Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 22 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-модда-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

лар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **261¹-модда** билан тўлдирилсин:

«261¹-модда. Давлат ўрмон хўжалиги органлари

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекс 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 80, 83-моддаларида, 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг давлат инспекторлари — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг, давлат ўрмон хўжаликларининг, давлат ўрмон-ов хўжаликларининг, ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликларининг, давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхоналарининг давлат инспекторлари ва миллий табиат боғларининг ходимлари — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга;

2) **287-модда** қуйидаги мазмундаги **5¹-банд** билан тўлдирилсин:

«5¹) ушбу Кодекснинг 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 83, 84-моддаларида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан»;

3) **289-модданинг учинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **в¹-банд** билан тўлдирилсин:

«в¹) ушбу Кодекснинг 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари томонидан».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда, № 11, 792-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **24-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир қисmini иккиламчи ижарага бериш тақиқланади, бундан ушбу Кодекснинг 24²-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

2) қуйидаги мазмундаги **24¹**, **24²** ва **24³-моддалар** билан тўлдирилсин:

«24¹-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ва ўрмон фонди ерларини инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида ижарага бериш

Инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида қуйидагилар:

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ерлар ва лалми ерлар — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарига;

ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари — жисмоний ва юридик шахсларга;

яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар — Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин.

24²-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсуло-

ти етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга иккиламчи ижарага берилиши (уларни учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) мумкин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши мумкин, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг муддати ушбу Кодекснинг 24¹-моддасида назарда тутилган ҳолларда, тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва у қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномаси муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Иккиламчи ижарага берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартлари ва муддатлари тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ҳамда шартнома билан мустаҳкамланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага берганлик учун ҳақ ундириш тартиби ва миқдорлари қонун ҳужжатларига мувофиқ иккиламчи ижара шартномасида белгиланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Агар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ижарага бериш шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ушбу шартномани муддатидан илгари бекор қилиш қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш тарафларнинг келишувига кўра, бундай келишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини иккиламчи ижарага бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

24³-модда. Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ер участкасини вақтинча фойдаланишга бериш

Дехқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгалари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкалари эгаларининг ушбу ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади»;

3) **39-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-кичик банд** билан тўлдирилсин:

«9) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини ёки унинг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккиламчи ижарага бериш»;

4) **44-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадлар учун, шу жумладан саноат ва фуқаролик объектлари (бинолар ва иншоотлар) қурилиши учун, шунингдек унумдор тупроқ талаб этилмайдиган илғор технологияларнинг (гидропоника ва бошқалар) янги усуллари қўлланиладиган иссиқхоналар қурилиши учун ажратишга йўл қўйилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ ерларни ажратиш ҳоллари мустасно»;

5) **45-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан берилади»;

6) **76-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериши, шу жумладан кимошди савдолари ўтказиш орқали ижарага бериши мумкин. Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «ва иккиламчи ижарага берилиши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фермер хўжалигига берилган ер участкалари ушбу Қонун 16-модда-

си биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга бир йилгача бўлган муддатга иккиламчи ижарага берилиши (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз) мумкин»;

учинчи — ўнинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 16-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ер участкасини юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалик экинларини оралиқ экиш учун иккиламчи ижарага бериш (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқисиз)»;

учинчи — ўн еттинчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги 604–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда)

9-моддаси қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Дехқон хўжаликлари ўзига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкаларини ёки ушбу ер участкаларининг бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. Ер участкасидан вақтинча фойдаланиш тартиби тарафларнинг келишуви асосида белгиланади. Бунда дехқон хўжаликларининг ушбу ер участкаларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Ўрмон тўғрисида**»ги 770–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–475-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 423-модда; 2019 йил, № 8, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 13-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги «шунингдек асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 25-модда:

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **31-модда** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерлари жисмоний ва юридик шахсларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин»;

4) **33-модда иккинчи қисмининг:**

саккизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва **ўнинчи хатбошилари** тегишинча **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **40-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан шартнома асосида берилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида**»ги 710–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 1,1-модда) **38-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

иккинчи қисм «Рекреация зоналари» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат ўрмон фонди участкаларидаги рекреация зоналари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майда қабул қилинган «**Яйловлар тўғрисида**»ги ЎРҚ–538-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 263-модда) **13-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

биринчи қисмидаги «ижарага» деган сўз «ижарага, шу жумладан иккиламчи ижарага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Фойдаланишдан чиқиб кетган яйловлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган инвесторларга инвестиция шартномаси ёки давлат-хусусий шериклик асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадида уч йилдан кам бўлмаган ва қирқ тўққиз йилдан ошмайдиган муддатга ижарага берилиши мумкин.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслар фойдаланишга киритилган яйловларни иккиламчи ижарага бериши (учинчи шахсларга бериш ҳуқуқсиз) мумкин».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

10-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 сентябрь,
ЎРҚ-639-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

434 Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида ҳудудий сув таъминоти корхоналарини бирлаштирган ҳолда «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — «Ўзсувтаъминот» АЖ) ташкил этилди, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) тизимига ўтказилди. Натижада Вазирликнинг ушбу соҳадаги назорат функциялари кенгайтирилиб, унга хос бўлмаган хўжалик фаолияти билан боғлиқ вазифалар «Ўзсувтаъминот» АЖга юклатилди.

Сув таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, соҳада шаффофлик ҳамда хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва сув таъминоти ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ичимлик суви таъминоти ва оқова сув соҳасида инвестиция лойиҳаларини саралаш, амалга ошириш ҳамда уларнинг натижадорлигини мониторинг қилиш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

лойиҳа таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиниши ва фақатгина уларнинг розилиги билан амалга оширилиши шарт ва ҳар бир лойиҳанинг бажарилиши ҳолати мунтазам равишда тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг қилиб борилади;

шакллантирилган лойиҳа таклифлари бўйича лойиҳаолди тадқиқотлари «Ўзсувтаъминот» АЖ томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органла-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 26 сентябрда эълон қилинган.

ри, лойиҳа ташкилотлари ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда ҳар бир ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда лойиҳаларнинг сифатли амалга оширилиши ва ҳукумат кафолати остида халқаро молия институтларидан олинган кредитларнинг қайтарилиши учун жавобгар ҳисобланади;

ичимлик суви таъминоти лойиҳаларида лойиҳа ташаббускорининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳисоблагичларнинг мажбурий равишда ўрнатилиши билан бир қаторда ичимлик суви уй хўжалигигача ўтказилиши ҳам назарда тутилади. Бунда, тармоқларни уй хўжалигигача етказиш сарф-харажатлари амалга оширилаётган лойиҳа доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб берилади.

2. Белгилансинки, буюртмачи ва пудрат ташкилоти ўртасида сув таъминоти ва оқова сув соҳасидаги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш юзасидан тузилган шартномада ва унга илова қилинадиган маблағ билан таъминлаш жадвалида қуйидагилар ҳисобга олиниши зарур:

а) қурилиши янгидан бошланаётган тайёр ҳолда фойдаланишга топшириладиган объектларни қуришда:

белгиланган тартибда ажратилган аванснинг мутаносиб равишда ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 90 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштириш;

белгиланган тартибда тузилган шартномаларда назарда тутилган кафолатли муддат ўтгандан кейин объект қийматининг 10 фоизини тўлаш;

б) объектларни шартнома асосида қуришда (кейинги йилга ўтувчи объектлар, объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш ҳолларидан ташқари) ишларнинг амалда бажарилишидан келиб чиқиб, объект қийматининг камида 90 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштириш ҳамда қолган 10 фоиз миқдоридаги қисмини шартномада назарда тутилган кафолатли муддат ўтгандан кейин, бироқ молиявий йил тугашидан кечиктирмай тўлаш.

3. 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ҳудудларда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланади.

Бунда, сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифларни ўрнатилган тартибда шакллантириш ва белгилашда истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаш назарда тутилади, шунингдек, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш харажатлари ҳисобга олинади.

4. Вазирлик ва «Ўзсувтаъминот» АЖнинг 2021-2022 йилларда 1-иловадаги* рўйхатга мувофиқ туман ва шаҳарларнинг ичимлик суви таъминоти тизимларини тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида топшириш (кейинги ўринларда — давлат-хусусий шериклик лойиҳалари) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Раматов) 2021 йил 1 апрелга қадар давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияларининг тасдиқланишини таъминласин.

«Ўзсувтаъминот» АЖ (С. Саифназаров) Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (Ф. Холжигитов) билан биргаликда:

2021 йил 1 июнга қадар танлов (тендер) ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида ҳамда ўз расмий веб-сайтларида эълон қилсин;

2021 йил 1 сентябрга қадар танлов (тендер) ҳужжатларида баён этилган шартлар, муддатлар ва тартиб-таомилларга мувофиқ танлов (тендер) ғолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битимларни расмийлаштирсин.

Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги (Ф. Холжигитов) 2021 йил 15 сентябрга қадар давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг концепцияси ва битимини Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг реестрига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари «Ўзсувтаъминот» АЖ билан биргаликда хусусий секторни кенг жалб қилишда ва хусусий инвесторларнинг барқарор фаолият юритишига амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Белгилансинки, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига берилиши бўйича танловлар (тендер)ни ўтказишда тегишли ҳудуддаги фуқаролар йиғини раиси ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштироки таъминланиши лозим.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига насос ва сувни чучуклаштирувчи ускуналарни харид қилиш учун:

миллий валютада ажратилган кредитларнинг 10 миллиард сўмдан ошмаган қисми бўйича кредит фоизи ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми;

хорижий валютадаги кредитларнинг 10 миллиард сўм эквивалентидан ошмаган қисми бўйича фоиз харажатларининг тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган қисми уч йил мобайнида компенсация қилинади;

б) «Ўзсувтаъминот» АЖ туман (шаҳар) сув таъминоти ташкилотларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, аварияларни бартараф этиш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва жорий таъмирлашни молиялашти-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риш учун ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатишдан тушган маблағларнинг камида 10 фоизи уларнинг махсус ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминласин.

7. Қуйидагилар:

2021 — 2025 йилларга мўлжалланган республика ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар кесимида ичимлик суви таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш дастурининг йиғма параметрлари 2-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларга мўлжалланган туман марказлари кесимида ичимлик суви таъминоти тизимларини комплекс ривожлантириш дастурининг йиғма параметрлари 3-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларга мўлжалланган республика ва вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар кесимида оқова сув тизимларини комплекс ривожлантириш дастурининг йиғма параметрлари 4-иловага* мувофиқ;

2021 — 2025 йилларга мўлжалланган туман марказлари кесимида оқова сув тизимларини комплекс ривожлантириш дастурининг йиғма параметрлари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тегишлилиги бўйича Инвестиция дастурларини шакллантиришда ичимлик суви ва оқова сув тизимларини комплекс ривожлантириш дастурларида назарда тутилган лойиҳаларнинг инвестиция дастурларига киритилишини ва уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

2020 йил 1 октябрдан бошлаб, Вазирлик ҳар йили аҳоли сони жами 15 мингдан кам бўлмаган, марказлашган ичимлик суви таъминоти етиб бормаган қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмаларини бериш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилади. Бунда, давлат ижтимоий буюртмаларининг мақсадлари, шартлари ва вазифалари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

давлат ижтимоий буюртмалари доирасида 2021 йилда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида, 2022 йилдан бошлаб эса республиканинг бошқа ҳудудларида лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилади ва лойиҳаларда оқова сув хизматлари билан таъминлаш ҳам назарда тутилади;

давлат ижтимоий буюртмаларида назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан Вазирликка 2021 йил учун 14 млрд сўм алоҳида ажратилади.

* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, кейинги йилларда ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар ва лойиҳалар сони Вазирликнинг асослантирилган ҳисобкитобларига кўра ошириб борилади.

9. Вазирлик (М. Салиев) ҳар чоракда давлат ижтимоий буюртмаларини ўз вақтида бериш, лойиҳаларнинг самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш ишлари ҳамда маблағларнинг сарфланиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

Молия вазирлиги (Т. Ишметов) давлат ижтимоий буюртмалари доирасида лойиҳаларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштиришни ҳамда давлат ижтимоий буюртмалари доирасида қурилган ичимлик суви таъминоти тизимини бошқарадиган ичимлик суви таъминоти ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун нархларни (тарифларни) тасдиқлашда амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

10. Вазирлик (М. Салиев) бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқ давлат ижтимоий буюртмаларини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилишига қўмаклашиш ҳамда натижадорлигини мониторинг қилиш учун Ўйжой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб оқова сувларни тозалаш учун замонавий технологияларни танлашда иштирокчилар таклифлари ўртасида тенг шароитлар юзага келган ҳолларда битимни тузиш бўйича устуворлик ҳуқуқи таклиф қилинаётган технологияга сервис хизмат кўрсатиш ва унинг эҳтиёт қисмлари билан узлуксиз таъминлаш мажбуриятини олган иштирокчиларга берилади;

б) 2022 йил 1 январдан бошлаб:

марказлаштирилган оқова сув тизимида уланмаган аҳоли пунктларида ўйжой комплекслари оқова сув тозалаш иншоотлари билан бирга қурилади;

оқова сув тозалаш иншоотларини реконструкция ва модернизация қилиш ёки янги иншоотларни қуриш лойиҳалари бўйича технологик ечимларни саралаш учун танлов (тендер) ўтказиш давомида иншоотнинг келгусидаги эксплуатация харажатларини мақбуллаштириш ва унга жами сарфланган маблағларнинг тўлиқ қопланиши ҳисобга олинади;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

Давлат бюджети, ҳукумат кафолати остида жалб қилинган халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига ишлаб турган оқова сув тозалаш иншоотларини реконструкция ва модернизация қилиш ҳамда янги оқова сув тозалаш иншоотлари қурилиши билан боғлиқ лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларида юқори эксплуатация харажатларини талаб қиладиган ва сарфланган маблағларни 10 йилдан кўп муддатда қоплайдиган эски самарасиз технологиялар қўлланилишига йўл қўйилмайди;

оқова сув тозалаш иншоотларини реконструкция ва модернизация қилиш ёки янги иншоотларни қуришда узлуксиз тозалаш цикли, хусусан, кавитацион-ферментли ишлов бериш инновацион усули ҳамда бошқа инновацион усуллар қўлланилади.

12. Қуйидагилар:

а) «Ўзсувтаъминот» АЖ зиммасига — ўзи томонидан эксплуатация қилинадиган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларини қуриш, реконструкция, модернизация қилиш ҳамда лойиҳалаштириш бўйича буюртмачи;

б) Вазирлик зиммасига:

илғор хорижий тажриба асосида мамлакатда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари кўрсатиш соҳасини самарали ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари билан қамраб олинмаган республикадаги барча ҳудудларнинг, шу жумладан, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кесимида батафсил электрон маълумотлар базасини юритиш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш имкони бўлмаган аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари билан қамраб олиш учун давлат ижтимоий буюртмаларини бериш ҳамда сув таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг иштирокини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш;

ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари кўрсатиш соҳасидаги меъёрий ва методологик базани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматлари бўйича тарифлар сиёсатини шакллантиришга қўмаклашиш;

республикадаги ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш бош схемасининг ишлаб чиқилишини таъминлаш;

в) Вазирлик ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси зиммасига:

инвестиция дастурлари асосида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларида амалга оширилган қурилиш, реконструкция ва модернизация ишлари натижасида истеъмолчиларнинг сув таъминоти ва канализация хизматлари билан қамраб олиниши ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ва оқова сув ташкилотлари билан истеъмолчилар ўртасида шартномавий муносабатлар йўлга қўйилганлиги устидан назорат қилиш;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги билан биргаликда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, сув таъминоти ташкилотлари томонидан аҳолига етказиб берилаётган ичимлик сувининг сифати, стандартлар ва ўрнатилган талабларга жавоб бериши юзасидан назорат ўрнатиш функциялари юклансин.

13. «Ўзсувтаъминот» АЖ сув таъминоти ташкилотларининг Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси олдидаги 112,9 млрд сўм қарздорлиги 6-иловадаги* рўйхатга асосан ҳисобдан чиқарилсин.

14. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатла-

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рини ҳимоя қилиш бўйича вакил «Ўзсувтаъминот» АЖ ва унинг тизими ташкилотлари фаолиятига давлат органлари томонидан қонунга ҳилоф равишда аралашиш, шу жумладан, уларнинг ходимларини фаолият йўналишига хос бўлмаган ишларга жалб қилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Ўзбеккоммуналлойдойхакурилиш» ДУКни Вазирлик тизимидан чиқариш ва «Сув таъминоти ва канализация объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ва унинг ҳудудий бошқармаларини «Ўзсувтаъминот» АЖга бериш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзсувтаъминот» АЖ таъсис ҳужжатларига, шу жумладан, вазифаларига мазкур Фармондан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

16. Вазирлик «Ўзсувтаъминот» АЖ, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит ва грант маблағлари ҳисобидан 2035 йилгача ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан қамраб олинмаган республикадаги барча ҳудудларнинг, шу жумладан, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кесимида батафсил электрон маълумотлар базасини юритиш учун зарур маблағлар жалб этилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 сентябрь,
ПФ–6074-сон

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**435 Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосларини мустаҳкамлашга, бозор иқтисодиётини ривожлантиришга, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва фуқароларнинг фаровонлигини яхшилашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қонунчиликдаги тизимли ўзгаришлар билан боғлиқ жадал ривожланиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортишига олиб келди. Қонунчилик ҳужжатларининг тарқоқлиги амалиётда уларни тушунишни қийинлаштиришга, ҳуқуқий тафовут ва коллизияларга, ҳаддан ташқари тартибга солиш ва бюрократияга сабаб бўлмоқда.

Мамлакатда сўнгги уч йилда амалга оширилган ислохотлар институционал-ҳуқуқий базани янгилашни, амалга оширилаётган чуқур ўзгаришларни инобатга олган ҳолда эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бекор қилишни тақозо этмоқда.

Ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш, энг аввало тадбиркорлик фаолиятига нисбатан тартибга солиш юкини камайтириш, норматив-ҳуқуқий базанинг тизимлилигини ва комплекслилигини таъминлаш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Адлия вазирлиги томонидан манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиб, натижада 2,5 мингга яқин эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юкини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқараётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда хатлов натижасида аниқланган Ҳукуматнинг 2 мингдан ортиқ эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган қарорларини танқидий қайта кўриб чиқиб, тегишли ҳужжатларни бекор қилиш бўйича таклифларни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Адлия вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг индивидуал ва ташкилий хусусиятга эга бўлган ҳужжатларини улар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқлашнинг аниқ мезонларини қонун даражасида белгилаш;

янги таҳрирдаги қонун ҳужжатини қабул қилиш ўрнига янги қонун ҳужжатини қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжатини ўз кучини йўқотган деб топиш амалиётини жорий этиш ҳамда аввал қабул қилинган бундай қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш, шунингдек, тадбирлар ўтказишни ташкил этиш юзасидан қабул қилинган ҳужжатларини тегишли йил якуни бўйича ўз кучини йўқотган деб топиш амалиётини жорий қилиш;

эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, бюрократик тўсиқ ва ғовларни, ҳаддан ташқари тартибга солиш юкини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқарувчи ҳужжатларни аниқлаш мақсадида қонунчилик базасини хатловдан ўтказишни давом эттириш ҳамда хатлов натижасида аниқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳолда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларни тизимлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 июнга қадар барча амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш бўйича ташаббус кўрсатган ҳолда, тизимлаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни базага автоматик тарзда жойлаштириш механизмини жорий этиш ишлари амалга оширилиши ташкил қилинсин.

4. Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш лойиҳани ишлаб чиққан идора ва ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)дан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳуқуқий мониторинг бўйича электрон майдончадан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш «E-Qaror» ягона электрон тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

муаммо таҳлили, уни ҳал этиш йўллари, рақобатга таъсирини баҳолаш, янги тартибга солиш воситаларини жорий этишнинг эҳтимолий оқибатларини прогнозлаш ва баҳолаш, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил қилишни назарда тутувчи тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича таҳлилий материаллар норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси, идоралараро келишув ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш босқичларида лойиҳага илова қилинади;

Адлия вазирлиги ҳар йили мамлакатда тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимининг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлаб, уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритади.

6. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул ходимларни белгиласин.

7. Адлия вазирлигининг ўз марказий аппарати тузилмасида адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 10 та штат бирлигидан иборат Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бошқармасини ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардаги тартибга солиш таъсирини баҳолашга масъул бўлган ходимларининг малакасини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган чоралар кўриш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

коррупциянинг келиб чиқишига шароит яратётган қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар, қоидалар ва нормаларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллашдаги коррупциявий хавфларни таҳлил қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6019-сон

Фармони билан бюрократик тўсиқларни камида 30 фоизга қисқартиришни назарда тутувчи Тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ялпи хатловдан ўтказиш бўйича чоратадбирлар режаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адлия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва «Тараққиёт стратегияси» марказининг тартибга солиш юкини камайтириш доирасида гуруҳ бўлиб ишлаш технологияларини такомилга етказиш ва ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (regulation.gov.uz) қуйидагиларни назарда тутувчи «очиқ платформа» (*open platform*)ни ишга тушириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

жамоатчилик, бизнес ҳамжамияти, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик, шу жумладан, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларини амалга ошириш доирасида қайта алоқа механизмларини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан тематик онлайн учрашув ва муҳокамалар ўтказиш бўйича ташаббус кўрсатиш;

қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсирини баҳолашда «краудсорсинг» имкониятларидан фойдаланиш, шу жумладан, онлайн сўровномалар ўтказиш.

9. Адлия вазирлиги:

а) манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда тегишли идораларнинг фаолият йўналишларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича «йўл харитаси»ни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

б) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар норма ижодкорлиги фаолиятида фойдаланиш мақсадида миллий қонунчиликка имплементация қилиниши зарур бўлган халқаро шартномалар талаблари ҳамда халқаро ташкилотларнинг таклиф ва тавсиялари бўйича очиқ маълумотлар базасининг шакллантирилишини таъминласин;

в) 2021 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини такомиллаштириш чораларини кўрсин:

базадаги мавжуд қонунчилик ҳужжатларини мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштириш, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда оператив, ташкилий ва бошқа хусусиятга эга ҳужжатларни алоҳида жойлаштириш;

норма ижодкорлиги фаолияти учун қулайликлар яратиш, шу жумладан, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатларни алоҳида жойлаштириш.

10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фанлар академияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига амал қилган ҳолда илмий ва эксперт доирала-

ри вакиллари, илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг илмий-таҳлилий фаолияти натижасида ишлаб чиқилган таклифларни оммавий онлайн ахборот тизимида мажбурий акс эттириш механизмини жорий этсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идораларнинг мурожаатларига асосан давлат илмий-техник дастурлари доирасида амалий илмий-техник лойиҳалар ва инновацион ишланмалар танловида тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини илмий-амалий тадқиқ этишга оид мавзуларни мунтазам эълон қилиб борсин.

12. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бир ой муддатда:

адлия вазири (Р. Давлетов), иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари (И. Норқулов) ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси (Н. Шарипов) — ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида онлайн режимда мувофиқлаштирувчи йиғилиш ўтказсин, шунингдек, тартибга солиш таъсирини баҳолаш методологиясининг, шу жумладан, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, ўқитилишини ташкил этиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин;

адлия вазири (Р. Давлетов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси (Н. Шарипов) ва «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори (Э. Туляков) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида (regulation.gov.uz) «очиқ платформа» ташкил этилиши ва узлуксиз ишлашини ҳамда унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш доирасида жамоатчилик, бизнес ҳамжамияти, илмий доиралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича чоралар кўрсин.

13. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

14. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 сентябрь,
ПФ-6075-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги
ПФ-6075-сон Фармонига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўп болали оналарнинг нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» 1990 йил 3 майдаги ПФ-1-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улуғ ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига совет халқининг улуғ ватан урушидаги ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» 1990 йил 7 майдаги ПФ-4-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисида» 1990 йил 10 майдаги ПФ-5-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиш учун бориши тўғрисида» 1990 йил 2 июндаги ПФ-12-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон вилоятининг Жалолқудук, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод районлари ва Андижон шаҳри ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий қилиш тўғрисида» 1990 йил 8 июндаги ПФ-12а-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси «Ўзглавлегснабсбит»ни ташкил этиш тўғрисида» 1990 йил 11 июндаги ПФ-13-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ халқ ҳофизи» фахрий унвони таъсис этиш тўғрисида» 1990 йил 26 июндаги ПФ-17-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида» 1990 йил 28 июлдаги ПФ-36-сон Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташни такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 1990 йил 4 сентябрдаги ПФ-52-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аспирантлар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисида» 1990 йил 4 сентябрдаги ПФ-53-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ Президенти кенгашининг таркиби тўғрисида» 1990 йил 1 октябрдаги ПФ-59-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумҳурият аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлашни қўшимча чоралари тўғрисида» 1990 йил 25 октябрдаги ПФ-74-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчиларига, болалар уйлариининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юкори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» 1990 йил 13 ноябрдаги ПФ-93-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг тузилмаси тўғрисида» 1990 йил 15 ноябрдаги ПФ-97-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССЖ давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва айрим фуқаролари муассис бўлган оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олишни тартибга солишни тартибга солиш ҳақида» 1990 йил 15 декабрдаги ПФ-112-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Андижон вилоятининг Қўрғонтепа ноҳиясидаги Ильичёвск шаҳрини вилоят қарамоғидаги шаҳарлар тоифасига ўтказиш тўғрисида» 1990 йил 12 декабрдаги ПФ-113-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbirlar тўғрисида» 1991 йил 11 январдаги ПФ-124-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «СССР давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштириш муддатини узайтириш тўғрисида» 1991 йил 23 январдаги ПФ-137-сон Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш тўғрисида» 1991 йил 29 январдаги ПФ-139-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг маошларини ошириш тўғрисида» 1991 йил 12 февралдаги ПФ-141-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жумҳуриятда Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида» 1991 йил 12 февралдаги ПФ-143-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш деҳқонларга молиявий ёрдам бериш ва улар уюшмаси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида» 1991 йил 18 мартдаги ПФ-166-сон Фармони.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Анъанавий миллий байрам «Рўза ҳайити» тўғрисида» 1991 йил 11 апрелдаги ПФ-193-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нарх-навонинг ислоҳ

қилиниши муносабати билан умумтаълим мактабларининг ўқувчиларига умумий овқатланиш бўйича имтиёзларнинг берилиши хусусида» 1991 йил 16 апрелдаги ПФ–199-сон Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига ёрдам кўрса-тиш ва табиий офат оқибатларини тугатиш тадбирлари тўғрисида» 1991 йил 25 майдаги ПФ–210-сон Фармони.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» 1991 йил 27 майдаги ПФ–212-сон Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (бугдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида» 1991 йил 31 майдаги ПФ–215-сон Фармони.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қора, рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича республика кооператив бирлашмасини («Ўзкоопиккиламчиметалл» РКБ) ташкил қилиш тўғрисида» 1991 йил 4 июндаги ПФ–216-сон Фармони.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида» 1991 йил 1 августдаги ПФ–233-сон Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижодий уюшмалар, кўнгилли жамиятлар ва жамғармаларни партия тасарруфидан чиқариш тўғрисида» 1991 йил 27 августдаги ПФ–238-сон Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иттифоқ идораларининг 1991 йилда валюта ресурсларидан фойдаланишнинг алоҳида тартибини белгиловчи ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилишини тўхтатиб қўйиш ҳақида» 1991 йил 6 сентябрдаги ПФ–242-сон Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта толаси ва пиллани сотиш масалалари тўғрисида» 1991 йил 4 октябрдаги ПФ–268-сон Фармони.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси комплексларининг ишларини мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» 1991 йил 4 октябрдаги ПФ–269-сон Фармони.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат божи тўғрисида» 1991 йил 16 октябрдаги ПФ–278-сон Фармони.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорлари жамғармасини тузиш тўғрисида» 1991 йил 22 октябрдаги ПФ–280-сон Фармони.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жалолқудук, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод, Хўжаобод районлари ва Андижон вилоятининг Андижон шаҳри ҳудудларида фавқулодда ҳолатни бекор қилиш тўғрисида» 1991 йил 29 ноябрдаги ПФ–297-сон Фармони.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қорақалпоғистон Рес-

публикаси ва Хоразм вилоятининг 1991 йилда табиий офатлардан зарар кўрган пахтакор хўжаликларининг иқтисодиётини мустаҳкамлашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида» 1991 йил 15 декабрдаги ПФ–300-сон Фармони.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида» 1991 йил 27 декабрдаги ПФ–303-сон Фармони.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин нарх белгилаш муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир тадбирлар тўғрисида» 1991 йил 29 декабрдаги ПФ–306-сон Фармони.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари таркибига, илмий ходимлари ҳамда таълим-ёрдамчи ходимларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» 1992 йил 5 февралдаги ПФ–330-сон Фармони.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг тузилмасидаги ўзгартишлар ҳақида» 1992 йил 6 февралдаги ПФ–333-сон Фармони.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида молия органларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 11 февралдаги ПФ–339-сон Фармони.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида» 1992 йил 11 мартдаги ПФ–361-сон Фармони.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 26 мартдаги ПФ–366-сон Фармони.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари ходимларига класс даражалари бериш тартиби тўғрисида» 1992 йил 8 апрелдаги ПФ–386-сон Фармони.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1992 йил 1 июлдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 27 июндаги ПФ–433-сон Фармони.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ва инновация фаолиятини ривожлантириш тўғрисида» 1992 йил 8 июлдаги ПФ–438-сон Фармони.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Мустақиллигининг 1 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Республиканинг ижодкор ва тиббиёт ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида» 1992 йил 28 июлдаги ПФ–448-сон Фармони.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 25 августдаги ПФ–458-сон Фармони.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида» 1992 йил 28 августдаги ПФ-461-сон Фармони.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жаҳон муаммолари институтини ташкил этиш» 1992 йил 29 августдаги ПФ-466-сон Фармони.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 25 августдаги ПФ-458-сон Фармони амал қилишини ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган пенсионерларга татбиқ этиш тўғрисида» 1992 йил 28 сентябрдаги ПФ-476-сон Фармони.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1992 йил 1 октябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 8 октябрдаги ПФ-479-сон Фармони.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фан соҳаси ходимларига имтиёзлар бериш тўғрисида» 1992 йил 8 октябрдаги ПФ-480-сон Фармони.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 22 октябрдаги ПФ-481-сон Фармони.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 7 майдаги Фармонини Афғонистон Республикасида ва бошқа давлатлар ҳудудида уруш ҳаракатларида қатнашган фуқароларга нисбатан жорий этиш ҳақида» 1992 йил 11 декабрдаги ПФ-505-сон Фармони.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби лавозимини бекор қилиш тўғрисида» 1992 йил 12 декабрдаги ПФ-507-сон Фармони.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йил 1 январидан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларининг миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 29 декабрдаги ПФ-522-сон Фармони.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 апрелидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида» 1993 йил 18 мартдаги ПФ-580-сон Фармони.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, болали оилалар ижтимоий нафақаларининг миқдорларини ошириш ҳамда республиканинг истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1993 йил 28 майдаги ПФ-607-сон Фармони.

61. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон фармацевтика саноати («Ўзфармсаноат») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 2 июндаги ПФ-609-сон Фармони.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1993 йил 15 июлдаги ПФ-617-сон Фармони.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғармани ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 25 августдаги ПФ-641-сон Фармони.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 сентябрдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида» 1993 йил 13 сентябрдаги ПФ-648-сон Фармони.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро қариялар кун муносабати билан республиканинг кекса фуқароларини моддий рағбатлантириш тўғрисида» 1993 йил 1 октябрдаги ПФ-671-сон Фармони.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йилнинг 1 ноябрдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорини ошириш тўғрисида» 1993 йил 28 октябрдаги ПФ-679-сон Фармони.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йил 1 декабрдан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида» 1993 йил 22 ноябрдаги ПФ-688-сон Фармони.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1994 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва стипендиялар миқдорини ошириш тўғрисида» 1993 йил 31 декабрдаги ПФ-724-сон Фармони.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоа ҳўжаликларининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 6 январдаги ПФ-725-сон Фармони.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сон Фармони.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1994 йилнинг 1 мартдан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида» 1994 йил 26 февралдаги ПФ-771-сон Фармони.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон шартномалар ва савдо бўйича давлат-акционерлик уюшмаси «Ўзшартномасавдо»ни тугатиш ҳамда Ўзбекистон улгуржи ва биржа савдоси бўйича республика акционерлик уюшмаси — «Ўзулгуржибиржасавдо»ни таъсис этиш тўғрисида» 1994 йил 28 февралдаги ПФ-772-сон Фармони.

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 15 мартдаги ПФ-789-сон Фармони.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида» 1994 йил 18 мартдаги ПФ-795-сон Фармони.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бошоқли дон экинларини харид нархларини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 30 ноябрдаги 691-сон Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» 1994 йил 12 апрелдаги ПФ-820-сон Фармони.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 23 апрелдаги ПФ–842-сон Фармони.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1994 йилнинг 1 июнидан меҳнат ҳақи, пенсиялар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида» 1994 йил 26 майдаги ПФ–853-сон Фармони.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўшимча қийматдан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш тўғрисида» 1994 йил 26 майдаги ПФ–854-сон Фармони.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 17 июндаги ПФ–872-сон Фармони.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика савдо-харид уюшмаси «Ўзтайёрловсавдо»ни ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 4 августдаги ПФ–926-сон Фармони.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасини иқтисодий рағбатлантириш ва эркинлик бериш тўғрисида» 1994 йил 22 августдаги ПФ–937-сон Фармони.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички бозорни доридармонлар ва тиббиёт буюмлари билан тўлдиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 8 ноябрдаги ПФ–985-сон Фармони.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экинларнинг пайҳон этилишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида» 1994 йил 21 ноябрдаги ПФ–1005-сон Фармони.

84. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг барча турдаги пенсияларини ошириш тўғрисида» 1994 йил 28 ноябрдаги ПФ–1012-сон Фармони.

85. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ–1014-сон Фармони.

86. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада тери хом ашёсини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1994 йил 21 декабрдаги ПФ–1025-сон Фармони.

87. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш ҳақида»ги 1994 йил 23 декабрдаги ПФ–1027-сон Фармони.

88. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1995 йилги пахта ва бошоқли дон экинлари ҳосили етиштириш ҳамда давлатга сотишни иқтисодий рағбатлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 19 январдаги ПФ–1068-сон Фармони.

89. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида» 1995 йил 7 февралдаги ПФ–1080-сон Фармони.

90. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1995 йил ҳосилидан

олинган пахта ва бошоқли дон экинларининг харид нархлари тўғрисида» 1995 йил 7 февралдаги ПФ–1081-сон Фармони.

91. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар даражасини камайтириш тўғрисида» 1995 йил 24 февралдаги ПФ–1083-сон Фармони.

92. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1995 йил 2 мартдаги ПФ–1084-сон Фармони.

93. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар бўйича агентликни ташкил қилиш тўғрисида» 1995 йил 21 августдаги ПФ–1234-сон Фармони.

94. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 20 мартдаги ПФ–1411-сон Фармони.

95. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 3 апрелдаги ПФ–1416-сон Фармони.

96. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 15 майдаги ПФ–1464-сон Фармони.

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишни ва уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги ПФ–1467-сон Фармони.

98. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг таркибини такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 25 июлдаги ПФ–1501-сон Фармони.

99. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида» 1996 йил 8 августдаги ПФ–1503-сон Фармони.

100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети муносабати билан солиқ ислохотини чуқурлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1996 йил 27 сентябрдаги ПФ–1565-сон Фармони.

101. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақининг энг оз миқдорини ошириш тўғрисида» 1996 йил 26 ноябрдаги ПФ–1650-сон Фармони.

102. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантиришни ва уларнинг сармоя билан боғлиқ фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 13 декабрдаги ПФ–1659-сон Фармони.

103. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» 1996 йил 31 декабрдаги ПФ–1692-сон Фармони.

104. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 6 январдаги ПФ-1693-сон Фармони.

105. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 31 январдаги ПФ-1702-сон Фармони.

106. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 5 февралдаги ПФ-1704-сон Фармони.

107. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 июлдаги ПФ-1816-сон Фармони.

108. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида» 1997 йил 17 сентябрдаги ПФ-1843-сон Фармони.

109. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг таркибини ўзгартириш тўғрисида» 1997 йил 30 сентябрдаги ПФ-1867-сон Фармони.

110. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал курилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 28 октябрдаги ПФ-1875-сон Фармони.

111. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш тўғрисида» 1997 йил 19 декабрдаги ПФ-1897-сон Фармони.

112. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 23 февралдаги ПФ-1932-сон Фармони.

113. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармони.

114. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1939-сон Фармони.

115. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998 — 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида» 1998 йил 18 мартдаги ПФ-1978-сон Фармони.

116. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони 9-банди.

117. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-

лаш ва баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 апрелдаги ПФ–1988-сон Фармонига 2-иловланинг 1-банди.

118. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 21 апрелдаги ПФ–1989-сон Фармони.

119. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 23 апрелдаги ПФ–1990-сон Фармони.

120. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 1998 йил 6 июлдаги ПФ–2051-сон Фармони.

121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги ПФ–2100-сон Фармони.

122. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги ПФ–2111-сон Фармони.

123. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-тижорат халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 декабрдаги ПФ–2162-сон Фармони.

124. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 26 февралдаги ПФ–2240-сон Фармонининг 5-банди.

125. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон да туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги ПФ–2286-сон Фармони.

126. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида» 1999 йил 30 июндаги ПФ–2332-сон Фармони.

127. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 1999 йил 19 июлдаги ПФ–2339-сон Фармони.

128. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиётининг чарм-пойабзал тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 23 февралдаги ПФ–2552-сон Фармонининг 4-банди.

129. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 3 апрелдаги ПФ–2570-сон Фармони.

130. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг амалга оширилиши устидан назоратни ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 3 апрелдаги ПФ–2571-сон Фармони.

131. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқур-

лаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июндаги ПФ–2612-сон Фармони.

132. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва мамлакат спортчиларини Сидней шаҳри (Австралия)даги XXVII Олимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида» 2000 йил 7 июндаги ПФ–2618-сон Фармони.

133. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 августдаги ПФ–2677-сон Фармони.

134. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айрим комиссияларнинг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 29 сентябрдаги ПФ–2720-сон Фармони.

135. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-тижорат Халқ банкини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 7 декабрдаги ПФ–2773-сон Фармони.

136. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида» 2000 йил 19 декабрдаги ПФ–2791-сон Фармонининг 5-банди.

137. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ–2832-сон Фармонига 4-илованинг 1, 2 ва 3-бандлари.

138. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 27 апрелдаги ПФ–2836-сон Фармони.

139. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2001 йил 14 майдаги ПФ–2841-сон Фармонининг 2, 5 ва 6-бандлари.

140. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2001 йил 19 июндаги ПФ–2886-сон Фармонига илованинг 1-банди.

141. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 31 мартдаги Фармонининг 2-бандида кўзда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида» 2002 йил 29 январдаги ПФ–3020-сон Фармони.

142. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 27 июндаги ПФ–3099-сон Фармонининг 4-банди.

143. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2002 йилнинг 1 сен-

тябридан бошлаб ўқитувчилар ва ўқув юртлари муаллимларининг, илмий ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 2002 йил 7 августдаги ПФ–3112-сон Фармонининг 5-банди.

144. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 24 декабрдаги ПФ–3183-сон Фармони 3-банди.

145. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 15 январдаги ПФ–3194-сон Фармонининг 2-банди.

146. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 16 июлдаги ПФ–3276-сон Фармонига илованинг 2 ва 4-бандлари.

147. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 1 октябрдаги ПФ–3323-сон Фармони 2-бандининг иккинчи хатбошиси.

148. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш масалалари бўйича баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 15 октябрдаги ПФ–3335-сон Фармонининг 2-банди.

149. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи Фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 8 январдаги ПФ–3376-сон Фармонига илованинг 6 ва 11-бандлари.

150. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 11 мартдаги ПФ–3406-сон Фармонининг 5-банди.

151. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ–3431-сон Фармони.

152. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва фармойишларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2004 йил 24 июлдаги ПФ–3467-сон Фармонига илованинг 1-банди.

153. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида» 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сон Фармони.

154. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ–3626-сон Фармонига илованинг 2-банди.

155. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 20 сентябрдаги ПФ–3661-сон Фармонига илованинг 1, 2 ва 9-бандлари.

156. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 10 октябрдаги ПФ-3667-сон Фармони.

157. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида» 2005 йил 6 ноябрдаги ПФ-3675-сон Фармонига 1-илованинг 3-банди.

158. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сон Фармони.

159. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2006 йил 6 июндаги ПФ-3760-сон Фармонига илованинг 3-банди.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек-Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасини ташкил этиш ҳамда Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2011 йил 10 ноябрдаги ПҚ-1639-сон қарорининг рус тилидаги матни 4-банди биринчи хатбошисидаги «Министерству экономики, Министерству внешней торговли» сўзлари «Министерству экономического развития и сокращения бедности, Министерству инвестиций и внешней торговли» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сон қарорига 2-иловининг рус тилидаги матни 24-позициясида «Наименование органов и организаций» устунидаги «Государственная инспекция «Саноатгеоконтехназорат» сўзлари «Государственный комитет промышленной безопасности Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ–1971-сон қарорининг 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ–2454-сон қарорининг 6-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шарғункўмир» АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 январдаги ПҚ–2727-сон қарори рус тилидаги матнида «Государственной инспекции «Саноатгеоконтехназорат» сўзлари «Государственному комитету промышленной безопасности Республики Узбекистан» сўзлари билан алмаштирилсин.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарорининг 8-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон қарорининг 20-бандидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон қарорининг 2-банди олтинчи хатбошисидаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишлича «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорининг 8-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2911-сон қарори-

нинг 1-банди биринчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2912-сон қарорида:

11-бандда «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда «Саноатгеоконтехназорат» ДИ» сўзлари «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарорининг 10-бандидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ–2922-сон қарорининг 2-банди олтинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон қарорининг 2-бандидан «меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш,» сўзлари чиқариб ташлансин.

60. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939-сон қарорининг 15-бандидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

61. Ўзбекистон Республикаси «2017 — 2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 2 майдаги ПҚ–2947-сон қарорида:

5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

62. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш

ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 4 майдаги ПҚ–2954-сон қарорида

3-банднинг иккинчи хатбошисидан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари чиқариб ташлансин;

5-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

64. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3003-сон қарорининг 21-бандидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишлича «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги» ва «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

65. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2017 йил 26 майдаги ПҚ–3012-сон қарорининг 11-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишлича «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

66. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 июндаги ПҚ–3028-сон қарорида:

5-банднинг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» ва «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари тегишлича «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан

давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхатида:

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» қатори «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» қатори билан алмаштирилсин;

254-позициянинг «Давлат мулки объектининг номи» устунда «Пайвандлаш ва изоляция ишларини текшириш лабораторияси» ДУК» сўзлари «Саноат назорати лабораторияси» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин;

255-позициянинг «Давлат мулки объектининг номи» устунда «Саноат хавфсизлигига қўмаклашиш маркази» ДУК» сўзлари «Саноат хавфсизлиги» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 августдаги ПҚ–3175-сон қарорида:

7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.И. Ахмедходжаев)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Н.К. Холмуродов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А.И. Ахмедходжаев)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Н.К. Холмуродов)» сўзлари билан алмаштирилсин.

69. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. 2-фаза» лойиҳасини Жаҳон банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ–3282-сон қарорининг 7-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 сентябрдаги ПҚ–3283-сон қарорининг 9-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ–3286-сон қарорида:

1-банднинг еттинчи хатбошисида ««Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бандда ««Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» сўзлари «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 12-позициясида ««Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси минтакавий инспекциясининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳудудий тузилмасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

72. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 2 ноябрдаги ПҚ–3368-сон қарори 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигини уларга тааллуқли қисмида юқорида кўрсатилган халқаро шартноманинг амалга оширилиши юзасидан масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгилансин».

73. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 4 январдаги ПҚ–3458-сон қарорида:

2-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

74. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги ПҚ–3472-сон қарорининг 8-банди биринчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

75. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тебинбулоқ кони негизида кон-металлургия комплекси қурилиши» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш борасидаги ишларни ташкиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 12 январдаги ПҚ–3473-сон қарори 12-бандида ««Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

76. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 — 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 февралдаги ПҚ–3502-сон қарорида:

5-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 6 февралдаги ПҚ–3509-сон қарорида:

а) 2-илованинг «Масъул ижрочилар» устуниди:

11-банддаги «Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банддаги «Инвестициялар давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-иловада:

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

9.	Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Австрия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси	С.У. Умурзаков	Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири
----	--	----------------	---

»;

14-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

78. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 22 февралдаги ПҚ–3557-сон қарорининг 6-банди биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

79. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ–3682-сон қарорининг 4-банди учинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» ва «Инвестиция бўйича давлат қўмитаси» сўзлари тегишлича «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

80. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах вилояти аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 4 майдаги ПҚ–3695-сон қарорининг 7-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

81. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3698-сон қарорининг 5-банди бешинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

82. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 майдаги ПҚ–3715-сон қарорида:

2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат

қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

илованинг 15 ва 16-бандлари «Ижрочилар» устунидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Бекенов)» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафоев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

83. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сон қарори билан тасдиқланган 2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастурининг «Масъул ижрочилар» устунининг 20-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

84. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 июндаги ПҚ-3764-сон қарорининг 13-бандидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

85. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон қарорида:

3-банднинг еттинчи хатбошисидаги «инвестиция» сўзи «инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

86. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон қарорига 2-илованинг еттинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

87. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3787-сон қарорида:

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова рус тилидаги матнининг 1 ва 12-бандлари «Ответственные исполнители» устунидаги «Госкоминвестиций» ва «Минэкономики» сўзлари тегишинча «Мининвествнешторг» ва «Минэкономразвития» сўзлари билан алмаштирилсин.

88. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 21 июндаги ПҚ-3795-сон қарорида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси ва 10-банд «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-илованинг рус тилидаги матнида:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 3. Министерство инвестиций и внешней торговли	14	»;
---	----	----

12-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

89. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 июндаги «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3815-сон қарорида:

19-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-илова рус тилидаги матнининг 21-банди «Ответственные исполнители» устунисидаги «Госкоминвестиций» сўзи «Мининвествнешторг» сўзи билан алмаштирилсин;

3-илованинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Л.Ш. Кудратов — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари».

90. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3821-сон қарорида:

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишинча «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

91. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3846-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида:

3-позициянинг «Бажарувчилар» устундаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-позициянинг «Бажарувчилар» устундаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-позициянинг «Бажарувчилар» устундаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

92. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПҚ-3852-сон қарори 2-иловасининг 8-банди «Кўрсаткич учун масъул бўлган ваколатли орган (ташкилот)» устундаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

93. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва илмий-технавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон қарорида:

7-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг «в» кичик бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

94. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 июлдаги ПҚ-3861-сон қарорининг 11-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

95. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сон қарорида:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3 ва 11-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

96. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Жиззах шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПҚ–3885-сон қарорида:

8-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-илованинг 14-банди «Масъул ижрочилар» устундаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (Бекенов)» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 1 августдаги ПҚ–3892-сон қарорида:

4-бандининг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-бандининг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандининг учинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

98. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 августдаги ПҚ–3925-сон қарорида:

10-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг учинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Ў. Умурзаков» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илова рус тилидаги матнининг 21 — 23-бандлари «Исполнители» устундаги «Госкоминвестиции (С. Бекенов)» сўзлари «Мининвествнешторг (Ш. Вафаев)» сўзлари билан алмаштирилсин.

99. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «намунавий лойиҳалар бўйича якка

тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 сентябрдаги ПҚ–3937-сон қарорида:

3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8 — 10-бандлардаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида» 2018 йил 26 сентябрдаги ПҚ–3951-сон қарори 2-бандида «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-майший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

101. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон қарори 1-бандининг «б» кичик бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

102. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ–3978-сон қарори 15-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «ташқи савдо вазири (Ходжаев)» сўзлари «инвестициялар ва ташқи савдо вазири (Умурзаков)» сўзлари билан алмаштирилсин.

103. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4005-сон қарорида:

8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

24-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга» сўзлари «инвестициялар ва ташқи савдо вазири — С.Ў. Умурзаковга» сўзлари билан алмаштирилсин.

104. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ–4015-сон қарорида:

а) 12-бандда:

биринчи хатбошидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзла-

ри «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 17-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 19-банднинг учинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 23-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

105. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4020-сон қарорида:

а) 14-банддаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 17-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

106. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4021-сон қарорининг 8-бандидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

107. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 24 ноябрдаги ПҚ–4028-сон қарорида:

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» ва «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари тегишлича «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «иқтисодиёт вазири (Ходжаев)» сўзлари «иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири (Қўчқоров)» сўзлари билан алмаштирилсин.

108. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарорида:

4-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

109. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4061-сон қарори 12-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

110. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспортга қўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон қарорида:

1-банднинг биринчи хатбошисида «Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-бандда «Ташқи савдо» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин.

111. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электротехника sanoatining экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4090-сон қарорида:

9-бандда «Иқтисодиёт вазирлиги» ва «Ташқи савдо вазирлиги» сўзлари тегишлича «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

112. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4091-сон қарорининг 10-банди биринчи хатбошисида «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

113. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 5 январдаги ПҚ-4095-сон қарорининг 10-банди олтинчи хатбошисида «Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг сайтига («invest.gov.uz»)» сўзлари «Инвес-

тициялар ва ташқи савдо вазирлигининг сайтига («www.mift.uz») сўзлари билан алмаштирилсин.

114. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича қўп томонлама шериклик траст жамғармаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 8 январдаги ПҚ–4099-сон қарорида:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.А. Вафаевга, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари И.Т. Неъматовга, ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Н. Обидовга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари Ш.А. Вафаевга ва Б.Н. Обидовга, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари И.Т. Неъматовга» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Л.Ш. Қудратовга, иқтисодиёт вазири Б.А. Ходжаевга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Л.Ш. Қудратовга, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоровга» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Н. Обидовга, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг ўринбосари Ш.А. Вафаевга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари Б.Н. Обидовга ва Ш.А. Вафаевга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

1-бандда «С.Р. Холмурадов» сўзлари «С.У. Умурзаков» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда «ташқи савдо» сўзлари «инвестициялар ва ташқи савдо» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг» сўзлари «инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

115. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 8 январдаги ПҚ–4102-сон қарорида:

8-бандда «Иқтисодиёт вазирлиги» ва «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари тегишлича «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» ва «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада «Иқтисодиёт» сўзи «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

116. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 10 январдаги ПҚ–4105-сон қарорида:

12-бандда «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг учинчи хатбошисида «Ташқи савдо вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

117. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон қарорида:

9-бандда «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг иккинчи хатбошисида «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродовга» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков» сўзлари билан алмаштирилсин.

118. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон қарорининг 8-бандида «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

119. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон қарорига илованинг ўн биринчи хатбошисида «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раисининг» сўзлари «инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

120. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сон қарорида:

4-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«республиканинг чет элдаги муассасаларидаги савдо-иқтисодий маслаҳатчилар, биринчи ва иккинчи котиблар — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

7¹-банднинг иккинчи хатбошиси «тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан» сўзларидан кейин «ўз тасарруфидаги ташкилотларнинг соф фойдасидан олинadиган» сўзлари билан тўлдирилсин.

121. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Конгресс-кўргазма тадбирларини давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражаларда

ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 7 июндаги ПҚ–4355-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида «InterForum» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — «InterForum» ДУК) ташкил этиш»;

3-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

««International Hotel Tashkent» меҳмонхонасининг туташ ҳудуди билан бино ва иншоотлари, шунингдек, унда жойлашган илгари ««Интерсервис» республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмаси» давлат корхонасига тегишли бўлган мол-мулк бегараз равишда мажбуриятлар билан «InterHotel» МЧЖга ўтказилади»;

8-банд қўйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, И. Каримов кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бинода қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

436 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Германия Федератив Республикаси Ҳукумати ўртасида 2019 йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Тошкент шаҳрида Иқтисодиётни қайта тиклаш бўйича кредит институтининг (KfW) маҳаллий бюросини ташкил этиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда унинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдиришномани Германия Федератив Республикаси томонига юборсин;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

Тошкент шаҳрида Иқтисодиётни қайта тиклаш бўйича кредит институтининг (KfW) маҳаллий бюроси хорижий давлатнинг иқтисодий ва техник ҳамкорлик бўйича Ҳукумат ташкилоти ваколатхонаси сифатида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтказилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари мазкур халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 сентябрь,
ПҚ-4844-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**437 Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ
ишларни бошқариш тизимини янада такомиллашти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида***

Иқтисодиёт соҳаларида ва аҳоли пунктларида ҳосил бўладиган маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, чиқиндиларни қайта ишлашда юқори технологиялар қўлланиладиган ишлаб чиқаришларни жорий этиш, шунингдек, қулай инвестиция муҳитини яратиш орқали ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси), Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

Бунда, давлат шериги — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари билан хусусий шерик ўртасида тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ:

а) давлат шериги томонидан:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун тегишли ҳудудлар хусусий шерикка бириктириб берилади;

давлат корхоналари ҳисобидаги чиқинди полигонлари чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан хусусий шерикка узоқ муддатга фойдаланишга берилади;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги махсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикка етти йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда сотилади ҳамда лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг уларни тасарруф этиш ҳукуқи хусусий шерикка ўтказилади;

б) хусусий шерик томонидан қуйидаги мажбуриятлар олинади:

ўзига бириктириб берилган ҳудудда яшовчи аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик битимига мувофиқ инвестициялар киритиш ва санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

махсус автотранспорт воситалари ва техникалари ҳаракати ҳамда чиқинди полигонларини реал вақт режимида давлат шериги томонидан назорат қилиш имконини яратиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслардан тасдиқланган нархларда мажбурий тўловлар йиғилишини ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича давлат шериги томонидан яратилган ягона электрон тизимга уланилишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган муддатларда чиқиндиларни саралаш (қайта ишлаш) технологияларини ўрнатиб, ишга тушириш.

2. 2020-2021 йилларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат экология қўмитаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) қуйидагиларга эришилишини таъминласин:

аҳолини маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини жорий йил якунига қадар 90 фоизга, 2021 йил якунига қадар 100 фоизга етказиш;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини жорий йил якунига қадар 21,8 фоизга, 2021 йил якунига қадар 36,5 фоизга етказиш;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушини 2022 йил якунига қадар 50 фоизга етказиш;

б) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида махсус автотранспорт воситалари ва техникаларни сотишдан келиб тушадиган маблағларнинг махсус банк ҳисоб рақамида жамланишини таъминласин ҳамда уларни махсус автотранспорт воситалари ва техникалар паркинни янгилашга, шунингдек, халқаро молия институтларидан давлат кафиллиги остида олинадиган кредит маблағлари бўйича мажбуриятларни сўндиришга йўналтирсин.

4. Белгилансинки 2021 йил 1 январдан бошлаб:

худудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун мажбурий тўлов тарифлари (хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) дастлаб нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари ҳулосалари олиниб, кейинчалик тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланади;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларига хизмат кўрсатиш учун белгиланган тартибда бириктириб берилган худудларда иккиламчи хом ашёни (металл парчалари ва чиқиндиларини сотиб олишдан ташқари) қабул қилиш шохобчалари орқали тайёрлаш (сотиб олиш, қабул қилиш) мазкур кластерлар томонидан амалга оширилади (мазкур худудда қайта ишловчи ташкилотларнинг иккиламчи хом ашёни ўзларига тегишли шохобчалар орқали сотиб олиши ёки қабул қилиши бундан мустасно);

маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматини кўрсатиш жараёнида, шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчалари ва саралаш пунктларидан маиший чиқиндилар таркибидаги иккиламчи хом ашёни маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларнинг розилигисиз ажратиб олиш ва ўзлаштириш тақиқланади;

маиший чиқиндиларни ташиш, саралаш, утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга кластерларнинг янги ланиб боровчи рўйхати, шунингдек, уларга хизмат кўрсатиш учун бириктириб берилган худудлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат экология қўмитаси томонидан шакллантирилади ҳамда унинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб:

а) бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида (кейинги ўринларда — қурилиш ишлари) ҳосил бўладиган қури-

лиш чиқиндилари биринчи навбатда такрорий фойдаланиш, қайта ишлашга ёки утилизация қилишга йўналтирилади;

б) қурилиш ишлари амалга ошириладиган объект жойлашган ҳудудда (туман ёки шаҳар) қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва қувватларга эга корхоналар мавжуд бўлмаган тақдирдагина уларни белгиланган тартибда чиқинди полигонларига жойлаштиришга йўл қўйилади;

в) қурилиш ишлари бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар назарда тутилади;

г) янги қуриладиган кўп хонадонли уйлар жойлашиши режалаштирилган турар жой зоналарида:

маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини ташкил этишга бўлган талаб маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида мазкур ҳудудга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот билан биргаликда ўрганилади ва қурилиш учун ер участкаларини ажратиш (танлаш) материаллари, лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материалларида назарда тутилади;

хонадонлар сони 300 тадан ортиқ бўлган кўп қаватли уй-жойлар маиший чиқиндиларни тўплаш шохобчалари билан таъминланмаган бўлса, фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилмайди;

д) қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндиларининг мулкдори бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

қурилиш ишлари олиб бориладиган объектларда ҳосил бўладиган чиқиндиларни сараланган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлаш;

қурилиш чиқиндиларини уларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи юридик шахсларга топшириш, реализация қилиш ёхуд бу ишларни ўз кучи билан амалга ошириш;

қурилиш чиқиндилари полигонларга жойлаштириладиган тақдирда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар ёки чиқинди полигонига эга бўлган ташкилотлар билан тегишли шартнома тузиш;

е) қурилиш чиқиндиларини ташиш билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслар мазкур хизматларни кўрсатишда уларнинг қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топшириш (реализация қилиш) ёхуд чиқинди полигонига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

6. Қуйидагилар:

2020-2021 йилларда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қурилиш ва маиший чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича манзилли дастурлар 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ;

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2020-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида эришилиши таъминланадиган мақсадли индикаторлар 4.1 — 4.13-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарори билан ташкил қилинган Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясига (Раматов) мазкур бандда назарда тутилган манзилли дастурларга ва мақсадли индикаторларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

аҳоли томонидан Давлат экология қўмитасининг Интернет тармоғидаги махсус ахборот тизимига юборилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кўриб чиқилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар ва видеоёзувларни юборган шахслар ҳуқуқбузардан ундирилган жарима миқдорининг ўн беш фоизи миқдоридаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисида юборилган фотосуратлар ва видеоёзувлардаги ҳуқуқбузарларнинг шахсини аниқлаш Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари сўровига асосан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади;

ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосуратлар, видеоёзувлар ва хабарларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

8. Давлат экология қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар барча ҳудудлардаги аҳолига атроф-муҳит, шу жумладан, маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишлар ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, бу борадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган Интернетдаги махсус ахборот тизимини яратиш ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриш тизимининг жорий қилинишини таъминласин;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда экологик тарбия ва тарғиботни самарали ташкил этиш ҳамда жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилсин;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида жамоатчилик хабардорлигини оширишга қаратилган ахборот-таҳлил ва медиа материалларини тайёрлаш, экологик маданиятни ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш чораларини кучайтирсин;

* 4 — 4.13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ишларини мувофиқлаштирсин.

9. Давлат экология қўмитаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидаги касб-хунарга ўқитиш марказларида замонавий кўникмалар асосида чиқиндиларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи ходимларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва малакасини оширишни ҳамда бу борада ишсиз фуқароларнинг бандлигини;

чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнига чет элдан янги технологиялар жалб этилган тақдирда, улардан фойдаланишга ўргатиш бўйича «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларидаги таълим жараёнларига мазкур технологияларни ишлаб чиқарувчи ташкилотлар вакиллари ёки улардан фойдаланиш кўникмалари мавжуд бўлган етук хорижий мутахассислар, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситалари орқали жалб этилишини таъминлаб бурсин.

10. Давлат экология қўмитаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда — Марказ) маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини йўлга қўйсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган хусусий ташкилотлар мутахассисларини Марказда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш харажатларининг 50 фоизи Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

11. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги «Ўзавтосаноат» АК билан биргаликда уч ой муддатда республикада ишлаб чиқарилаётган маиший чиқиндиларни ташишга мўлжалланган махсус техникалар таннархларини қайта кўриб чиқиб, уларни пасайтириш чораларини кўрсин.

12. Давлат экология қўмитаси Вазирлар Маҳкамасига 2021 йил 1 январга қадар:

маиший ва қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаганлик учун жарима санкциялари миқдорини ошириш, маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

янги тахрирдаги «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини киритсин.

13. Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўз тизимидаги ташкилотлар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарздорлик ҳолатини таҳлил қилсин ҳамда уларни камайтириш юзасидан зарур чораларни амалга оширсин;

2021 йилдан бошлаб бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини молия органларида рўйхатдан ўтказишда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва чиқинди контейнерларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларга етарли бюджет маблағлари назарда тутилишини назорат қилсин.

14. Ички ишлар вазирлиги Давлат экология қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

ушбу қарор ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ва тарғибот ишларини кучайтирсин;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларига бириктирилган ҳудудларда чиқиндиларни тайёрлаш (сотиб олиш, қабул қилиш), ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолиятга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

15. Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида мазкур қарор қуйидаги тартибда ижро этилсин:

а) Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича республика комиссияси раиси А. Раматов:

мазкур қарор ижросининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин, ҳудудларга чиққан ҳолда белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини ўргансин, масъул вазирлик ва идораларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин ҳамда мувофиқлаштирсин, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб борсин;

мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ чиқиндиларни утилизация қилиш, қайта ишлаш ва қўмиш билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш бўйича замонавий чиқинди полигонлари ташкил этилишини, шунингдек, кейинчалик белгиланган тартибда ўзларига бериш шарти билан полигонларни қуриш ишларига хусусий шерикларнинг жалб қилинишини таъминласин;

2021 йил 1 июнга қадар қуйидагиларни ўз ичига олган қурилиш чиқиндилари полигонларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуриш ва жиҳозлаш бўйича 2022-2023 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори қабул қилинишини таъминласин:

Тошкент шаҳрида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш учун Тошкент вилоятининг камида учта ҳудудидан қурилиш чиқинди полигонларини қуришга ҳар бири 5 гектардан кам бўлмаган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш;

вилоятлар марказлари, йирик шаҳарлар ва Нукус шаҳри учун қурилиш чиқинди полигонларини қуришга 5 гектардан кам бўлмаган ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш, қуриш ва жиҳозлаш;

б) Давлат экология қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Н. Обломуродов:

мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш ва қайта ишлаш бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишини таъминласин;

маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминласин ҳамда бу соҳада давлат экологик назоратини кучайтирсин;

в) Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директори Ғ. Холжигитов:

лойиҳа ташаббускорларига давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда, шу жумладан, аниқ лойиҳаларнинг концепциялари, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда қўмаклашсин;

мазкур соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бажарилишининг бориши юзасидан мониторингни амалга оширсин;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

тегишли ҳудудларда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилишида тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашсин;

мазкур қарорнинг 2 ва 3-иловаларидаги манзилли дастурларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан талаб этиладиган зарур маблағларни ўз вақтида аниқласин ва ажратсин;

мазкур қарорнинг 4.1 — 4.13-иловаларига мувофиқ 2020-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мақсадли индикаторларга сўзсиз эришилишини таъминласин;

2021 йилда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан қурилган ва хусусий шериклар жалб этилмаган полигонларни бошқаришни Давлат экология қўмитасининг «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналарига топширишни таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

17. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ликаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 сентябрь,
ПҚ-4845-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**438 Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатда илғор хорижий тажриба асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга солиқ маслаҳати давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишнинг профессионал институти ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шакллланмаган.

Давлат томонидан тартибга солиш, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар касбининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустаҳкамлаш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига:

давлат солиқ ва божхона хизмати органлари билан муносабатларда солиқ тўловчининг манфаатларини ифодалаш;

солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг талабномаларида кўрсатилган, аниқланган тафовутларнинг асосномаси сифатида хулосаларни солиқ тўловчи номидан давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш бўйича қўшимча ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасининг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 сентябрда эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — Палата) 2021 йил 1 январдан Молия вазирлигининг қуйидаги функцияларини Палатага ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказиш;

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш;

солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш;

солиқ маслаҳатчиларининг реестрини юритиш.

3. Молия вазирлиги:

а) Палатага қуйидаги масалаларда кўмаклашсин:

солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш курсларини, шу жумладан, масофадан ўқитиш шаклида ташкил этиш;

солиқ маслаҳатчиларининг малака имтиҳонларини тайёрлаш ва ўтказиш;

б) ўзининг расмий сайтида солиқ маслаҳатчилари реестрини жойлаштириш ва мунтазам равишда янгилаб боришни таъминласин.

4. Белгилансинки, солиқ маслаҳатчиси адвокатлик тузилмалари, аудиторлик ташкилотлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматларни кўрсатувчи бошқа юридик шахсларнинг штатида меҳнат фаолиятини олиб борган тақдирда, солиқ маслаҳати бўйича фаолиятда уч йил мобайнида иштирок этмаганлиги учун унинг малака сертификати амал қилишини тугатишга йўл қўйилмайди.

5. Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Палатанинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Давлат солиқ қўмитаси томонидан Солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқлар бўйича хулоса бериш ҳукуқига эга бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат) юритиш;

«таваккалчиликни таҳлил қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизими воситасида аниқланадиган, йиллик айланмаси охириги уч йил мобайнида 1 миллиард сўмгача бўлган солиқ тўловчилар (таваккалчилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчилар бундан мустасно) ихтиёрий тугатилганда Рўйхатга киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг солиқлар бўйича хулосалари солиқ органлари томонидан тан олиниши.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 январдан Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтида «солиқлар ва солиққа тортиш» ҳамда «бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналишлари бўйича 4-курс бакалавриатининг ўқув дастурларига «солиқ маслаҳати» фани киритилишини таъминласин.

7. Палата Молия вазирлиги билан биргаликда:

а) бир ой муддатда солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув дастурини тасдиқласин. Бунда давлат солиқ хизмати органларида иш стажига ва (ёки) аудитор сертификатига эга бўлган талабгорлар учун ўқув дастурини оптималлаштириш назарда тутилсин;

б) икки ой муддатда:

ўқув жараёнига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсин ва солиқ маслаҳатига ўқишни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан уларга рия қилиниши устидан мониторинг олиб борсин;

масофадан ўқитиш шаклидаги солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш курслари ташкил этилишини таъминласин.

8. Солиқ маслаҳатчиларига судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида солиқ солиш, солиқ органларининг ҳужжатлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ва (ёки) ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишда ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситалари, аудио ва видео ёзиш қурилмаларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

9. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вазирлик билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қўйидагиларни киритсин:

а) икки ой муддатда:

Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

б) уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи Рўйхатни юритиш ва солиқ тўловчилар ихтиёрий тугатилганда солиқларга доир хулосаларни бериш тартибини:

ўз фаолиятини бир йилдан ортиқ муддат давомида амалга ошираётган ва штатида камида бир йиллик солиқ маслаҳатчиси стажига эга солиқ маслаҳатчилари бўлган солиқ маслаҳатчилари ташкилотларини Рўйхатга киритиш;

солиқларга доир берилган хулоса доирасида ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан яширилганлиги ёки қасддан бузиб кўрсатилганлиги ҳолатлари солиқ органлари томонидан аниқланганда уларни Рўйхатдан чиқариш;

Рўйхатни Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтида жойлаштириш ва мунтазам равишда янгилаб бориш;

в) 2021 йилнинг 1 апрелига қадар солиқ маслаҳати соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг асосий қоидаларини белгиловчи ҳамда самарали фаолият кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантиришга имкон берувчи янги таҳрирдаги «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 сентябрь,
ПҚ-4846-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****439 Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларининг тузилишига қўйиладиган техник талабларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 25 июндаги 18/2-сон қарори (рўйхат рақами 2816, 2016 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 30-сон, 366-модда) билан тасдиқланган Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларининг тузилишига қўйиладиган техник талабларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июнь,
15/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
27 июндаги 15/5-сон қарорига
ИЛОВА

Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларининг тузилишига қўйиладиган техник талабларга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Банкда (филиалда) ташкил этилган касса тармоғи таркибида қуйидаги хоналар ва кассалар бўлиши лозим:

пул омбори;

пул омборининг олд хонаси;

кечки касса хонаси ёки кечки кассанинг пул омбори;

инкассация сумкаларини (қопларини) қабул қилиш хонаси;

нақд пул ва бошқа қимматликларни қайта санаш кассаси;

кирим кассаси, чиқим кассаси ёки кирим-чиқим кассаси;

касса ходимларининг шахсий буюмларини сақлаш ҳамда касса ходимлари фойдаланишлари учун бошқа маиший-хўжалик хоналари;

банкнинг (филиалнинг) нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация хизмати автомашиналарига юклаш ёки тушириш учун мўлжалланган инкассация бокси (бундан буён матнда инкассация бокси деб юритилади).

Банк (филиал) биносининг ҳажми ва унда хоналарнинг жойлашиши инobatга олинган ҳолда кирим кассаси, чиқим кассаси ёки кирим-чиқим кассаси мазкур Техник талабларга мувофиқ ҳолда касса тармоғидан алоҳида ҳам ташкил этилиши мумкин.».

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Касса тармоғи ва унинг хоналари банкда (филиалда) сақланадиган нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ҳажми келгусида ортишини инobatга олган ҳолда, шунингдек, ёнмайдиган қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда қурилиши лозим.

Касса тармоғидаги хоналарни қайтадан қуриш, ўзгартириш ва кенгайтириш ишлари ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида амалга оширилади. Бунда фавқулодда вазиятларда инсонларни ва моддий бойликларни банк (филиал) биносидан хавфсиз эвакуация қилиш учун шароит яратилган бўлиши керак.».

3. 10 — 17-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Касса тармоғида касса мудирининг хонаси кирим ва чиқим ёки кирим-чиқим касса операциялари амалга оширилишини кузатиш имкониятини берадиган тарзда жойлашиши керак.

11. Кирим кассаси, чиқим кассаси ёки кирим-чиқим кассасига ажратилган майдон кассадаги нақд пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланишини таъминлаш ҳамда касса операцияларини амалга ошириш учун имконият яратиб бериши лозим.

12. Кириш кассаси, чиқим кассаси ёки кириш-чиқим кассасининг олд томони касса залига қараган бўлиши керак.

13. Мижозларнинг касса хонасига эркин кириб боришининг олдини олиш мақсадида кириш кассаси, чиқим кассаси ёки кириш-чиқим кассасининг касса зали томонига мустақкам тўсиқ ўрнатилиши лозим.

14. Кириш, чиқим ёки кириш-чиқим касса кассирлари томонидан мижозларга касса хизмати кўрсатилаётганида, мижоз томонидан касса ходимининг фаолиятини кузатиб туриш учун имконият яратилган бўлиши лозим.

15. Кириш кассаси, чиқим кассаси ёки кириш-чиқим кассасининг касса зали томони мижоз томонидан нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиб олиши ёки топшириши учун шароит яратилган ҳолда жиҳозланиши керак.

16. Банкда (филиалда) кириш кассаси, чиқим кассаси ёки кириш-чиқим кассаси алоҳида, ёнма-ён жойлашган ҳолда ташкил этилганда, мазкур кассалар нақд пул ва бошқа қимматликларнинг бут сақланиши ҳамда дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек, касса операцияларини назорат қилиш имконияти яратилган ҳолда жиҳозланган бўлиши керак.

17. Кириш кассаси, чиқим кассаси ёки кириш-чиқим кассаси ички ва ташқи томонидан қулфланадиган эни камида 90 см бўлган эшикка ҳамда банк (филиал) касса тармоғининг бошқа хоналари билан боғлаб турувчи алоҳида йўлакка эга бўлиши лозим.».

4. 20-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Қайта санаш кассаси хонасининг майдони битта ходимга камида 4 м² майдон тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда қурилиши лозим.».

5. 22-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Касса тармоғидаги пул омбори олд хонасининг майдони камида 6 м² бўлган пул омборининг олд хонаси бўлиши лозим.».

6. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Пул омборининг эшиги сурғучланиши талаб этилганда, пул омборининг олд хонасига сурғучни киздирганда чиқадаган ҳидни тортувчи махсус мослама ўрнатилади.».

7. 27 ва 28-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«27. Пул омборига фақат пул омборининг олд хонасидан кирилади. Битта пул омбори олд хонасидан бир нечта пул омборига кириш мумкин бўлса, ушбу пул омборининг олд хонаси барча пул омборлари учун олд хона ҳисобланади.

28. Пул омборининг майдони камида 10 м², баландлиги эса 2,5 м бўлиши лозим.».

8. 33-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Пул омборининг шифти 20 см қалинликдаги яхлит темир-бетон қобик ва ташқи ёпувчи плитадан иборат бўлади. Бунда, пул омборининг шифтини ташкил этувчи темир-бетон қобикқа, банк биноси (бино қавати) томининг оғирлиги тушмаслиги керак.».

9. 43-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Йўналиш бўйича йиғиб келинган ёки узайтирилган иш куни ре-

жимида ишловчи банк (филиал) биноси ва биносидан ташқарида жойлашган кассалардан ташиб келинган инкассация сумкаларини (қопларини) қабул қилиш учун касса тармоғида кечки касса хонаси ташкил этилади.».

10. 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Банкда (филиалда) кечки кассанинг пул омбори мавжуд бўлмаса, кечки касса хонаси кечки кассанинг пул омбори вазифасини бажариши мумкин. Бунда, кечки касса хонасидаги нақд пул ва бошқа қимматликлар деворга ёки полга қотирилган ёнмайдиган сейфларда, сейф эшиклари қулфланган ва муҳрланган ҳолда сақланиши шарт.».

11. 45-банддаги «Кечки касса пул омборининг олд хонаси» деган сўзлар «Банк (филиал) кечки кассасининг пул омбори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 46 — 48-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Касса тармоғи хавфдан огоҳ этувчи, қўриқлаш сигнализация воситалари ва ёнғиндан хабар берувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак.».

14. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий гвардия билан келишилган.

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2020 йил 22 июнь

Фавқулодда

вазиятлар вазири в.б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2020 йил 24 июнь

Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2020 йил 15 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

440 «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объекtlарини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ-4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 12 октябрдаги 01/11-18/08-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объекtlарини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2152, 2010 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 412-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июнь,
01/11-16/06-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2020 йил 30 июндаги
01/11-16/06-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган
корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектлари-
ни баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг
қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қарорда:

а) номидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ–4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги **қарор қилади:**»;

в) 1-банддаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. Низомда:

а) номидаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПҚ–4112-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига ва баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) буюртмаларига асосан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар (бундан буён матнда баҳоловчи ташкилот деб юритилади) томонидан баҳолаш объектларини баҳолаш хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.»;

в) 1 ва 3-бандлардаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорлари билан баҳоловчи ташкилот, шу жумладан, хорижий баҳоловчи ташкилот жалб қилинган ҳолларда ҳамда ушбу қарорларда уларни жалб қилишнинг ва (ёки) улар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлашнинг мазкур Низомда кўзда тутилмаган бошқача тартиби белгиланган тақдирда Агентлик ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномаларга татбиқ этилмайди.»;

д) 4-банддаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги « $Қ = [(ЭКИХ \times K1) + (ЭКИХ \times K2)] \times Kё \times Kх - Қтэ$, бунда:» деган сўзлар « $Қ = [(БХМ \times K1) + (БХМ \times K2)] \times Kё \times Kх$, бунда:» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«БХМ — баҳолаш санасидаги Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори;»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ж) 7-банднинг иккинчи хатбошисидаги « $Қ = (ЭКИХ \times K1) \times Kё \times Kх - Қтэ$, бунда:» деган сўзлар « $Қ = (БХМ \times K1) \times Kё \times Kх$, бунда:» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 8-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« $Қ = [(БХМ \times \sum (K3 \times C) \times Kк) + БХМ] \times Kё \times Kх$, бунда:»;

тўртинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 9-банднинг биринчи хатбошисидаги «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

к) 10 ва 11-бандлардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

л) 15-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«таҳлилий экспертиза ўтказилганда, мазкур Низомга мувофиқ баҳолаш санасига ҳисобланган хизматлар қийматининг 20 фоизи, лекин баҳолаш санасидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан кўп бўлмаган миқдорда;

дала шароитида экспертиза ўтказилганда, мазкур Низомга мувофиқ баҳолаш санасига ҳисобланган хизматлар қийматининг 25 фоизи, лекин баҳолаш санасидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда.»;

м) қуйидаги мазмундаги 15¹-банд билан тўлдирилсин:

«15¹. Баҳолаш объектлари хусусийлаштириш мақсадида баҳоланганда, уларни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш санасидан бошлаб бир календарь йилдан ортиқ бўлмаган муддатда таҳлилий экспертизадан ўтказилади.».

3. 1 — 4-иловалар ушбу ўзгартириш ва қўшимчанинг 1 — 4-иловаларига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 30 июнь

* Иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

441 Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3188-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 октябрдаги 106, 2019-59-сон қарори (рўйхат рақами 3188, 2019 йил 29 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.10.2019 й., 10/19/3188/3969-сон) билан тасдиқланган Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2020 йил 1 октябрдан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 сентябрь,
43-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 сентябрь,
2020-37-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2020 йил 22 сентябрдаги
43 ва 2020-37-сон қарорига
ИЛОВА

**Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва
чакана нархларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида» позициясидаги «8 600» ва «10 200» рақамлари тегишли равишда «9 400» ва «11 200» рақамлари билан алмаштирилсин.

2. «Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида» позициясидаги «31 000» ва «36 600» рақамлари тегишли равишда «33 000» ва «39 000» рақамлари билан алмаштирилсин.

3. «Ароқ ва бошқа алкогольли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида» позициясидаги «22 000» ва «26 000» рақамлари тегишли равишда «24 000» ва «28 500» рақамлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/5-сон «Банклар ва уларнинг филиаллари биноларида касса тармоқларининг тузилишига қўйиладиган техник талабларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2816-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 30 июндаги 01/11-16/06-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-5.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 22 сентябрдаги 43-сон, 2020-37-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3188-1.